XALQ DEPUTATLARI ANDIJON VILOYATI KENGASHINING QARORI

Andijon shahar, Abdurauf Fitrat ko`chasi 239-uy

2022 - yil 3 - fevral VI-32-15-1-0-K/22 Andijon viloyati hokimligi

Юридик шахсларнинг мол-мулки бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган энг кам қийматга камайтирувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) 412-моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйҳатидан ўтказувчи органларда рўйҳатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв. метр учун мутлоқ миқдорида белгиланган энг кам қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги;

жумладан, 1 кв. метр учун мулкнинг энг кам қиймати Тошкент шаҳрида – икки миллион беш юз минг сўм, Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида – бир миллион беш юз минг сўм, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – бир миллион сўм;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари ушбу бандда белгиланган энг кам қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициент киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туманларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига қараб, солиқ юкини кескин ортиб кетишини олдини олиш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш бўйича Солиқ кодексида белгиланган мутлоқ миқдордаги энг кам қийматларга нисбатан иловага мувофиқ (йирик солиқ тўловчилардан ташқари) камайтирувчи коэффициентлар белгилансин.

3. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Бердиқулов) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун энг кам миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини таъминласин.

4. Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) ҳудудий солиқ идоралари билан биргаликда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи бўйича белгиланган солиқ ставкаларини барча солиқ тўловчиларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали етказилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Бунда, Солиқ кодексининг 416-моддасига кўра, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ даври календарь йил эканлигидан келиб чиқиб, солиқларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мазкур қарорга илова билан белгиланган энг кам миқдорлар 2022 йил 1 январдан амал қилади.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси М.Абдулазизов ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсуновлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ш.Қ.Абдураҳманов**

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2022 йил 3 февралдаги
VI-32-15-1-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Андижон вилоятида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи учун мутлоқ миқдорда белгиланган энг кам қийматга нисбатан камайтирувчи коэффициентлар миқдори*

№	Туманлар номи	Солиқ кодексида белгиланган 1кв.метр учун мутлоқ миқдор (минг сўмда)	Камайтирувчи коэффициент миқдори	2022 йил учун белгиланган мол-мулкнинг энг кам қиймати (1кв.метр учун минг сўмда)
1	Олтинкўл тумани	1 000,0	0,90	900,0
2	Андижон тумани	1 000,0	1,00	1 000,0
3	Балиқчи тумани	1 000,0	0,90	900,0
4	Бўстон тумани	1 000,0	0,75	750,0
5	Булоқбоши тумани	1 000,0	1,00	1 000,0
6	Жалақудуқ тумани	1 000,0	1,00	1 000,0
7	Избоскан тумани	1 000,0	1,00	1 000,0
8	Улуғнор тумани	1 000,0	0,75	750,0
9	Қўрғонтепа тумани	1 000,0	1,00	1 000,0
10	Асака тумани	1 000,0	1,00	1 000,0
11	Марҳамат тумани	1 000,0	0,90	900,0
12	Шаҳрихон тумани	1 000,0	1,00	1 000,0
13	Пахтаобод тумани	1 000,0	0,85	850,0
14	Хўжаобод тумани	1 000,0	0,85	850,0

*** Йирик солиқ тўловчилардан ташқари**